

# ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ҳалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда 6 мартдаги «1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари кексаларимизга кўрсатилган эътиборнинг маънавий давоми бўлди. Мазкур фармонларга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ноғиронларига юбилей медаллари, пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 апрелда қабул қилинган «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони нурунийларимизга қўшимча рағбат, катта руҳий мадад бўлди.

Бу йил Хотира ва қадрлаш куни Кексаларни эъзозлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Байрам «Жасрат, бурч, матонат» шиори остида кенг нишонланмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташир буюрди.

Майдон узра маъзун мусиқа таралади.

Соат 14:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун Ватанимиз, халқимиз Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган Ҳалабанинг 70 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Ана шу буюк сана билан аввало урушда қатнашган, мардлик ва жасрат кўрсатган барча уруш фахрийларини, шулар қаторида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни, бутун халқимизни табриклаш, уруш майдонларидан қайтмаган, бугунги мустақил осмонимиз учун жон берган ватандошларимиз хотираси олдида бош эгиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугун ҳеч кимга сир эмас: миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини бу дунёда ҳеч ким унутмайди. Ва фашизм устидан қозонилган Ҳалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам яна ва яна бир

бор англаши, қалбидан ўтказиши табиийдир, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда ўша пайтда 6,5 миллион халқ яшаган бўлса, шунинг 1,5 миллиондан кўпроғи урушда қатнашганининг ўзи, қисқа қилиб айтганимиз бўлса, барча эркаклар, мардларимиз қўлига қурол олиб, ягона душманимизга қарши чиққанидан далолат беради.

**Қарийб ярим миллион юртдошимиз шу урушда ҳалок бўлгани,** қанча-қанчаси ноғирон, майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанча-қанча аёллар бева, болалар етим бўлиб қолганини ҳар қайси оила ҳали-бери эсидан чиқармайди. **Бошқача қилиб айтганда, юртимизда бирорта хонадон йўқки, мана шу мудҳиш урушнинг жабрини ўз бошидан ўтказмаган бўлса.**

Халқимиз айна шундай оғир вазиятда кунни — кун, тунни — тун демасдан, машаққатли меҳнат қилиб, **фронт учун, галаба учун муносиб ҳисса қўшгани ҳеч эсимиздан чиқмайди,** деб таъкидлади Президентимиз.

Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан **Ўзбекистонга кўчирилган 1 миллионга яқин оила ва болаларни эл-юртимиз қабул қилгани,** охириги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўргани, «Сен етим эмассан» деб, уларнинг барчасини ўз бағрига олиб, **нафақат бошпана бергани, ўз қалбини очиб, меҳр-мурувват кўрсатганини унутиб бўладими ўзи?!**

Ҳар қайси халқнинг одамийлиги ва маънавий қадрияти, меҳр-оқибат ва олижаноблиги ана шундай унутилмас дамларда яққол намён бўлади, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Бизнинг ота-боболаримиз бешафқат жанг майдонларида мардлик ва матонат кўрсатгани учун **уларнинг 338 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани,** минг-минглаб юртдошларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани — буларнинг барчасини халқимизнинг **фашизмга қарши курашда кўрсатган жасрати ва ботирлигининг амалий намойиши деб биламиз.**

Вақт ўтади, замонлар ўтади, деди Ислам Каримов, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларининг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади. Бу фазилат эл-юртимизнинг эзгу одатига, қадриятига айлана кетган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бундан 17 йил олдин 9 май — Ҳалаба кунига юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном бериб, нақадар тўғри иш қилганимизни вақт ўтиши билан бугун ҳаётнинг ўзи тобора тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол ифодасини пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонлари айна шу кунларда урушдан қайтмаганларни эслаш, уларнинг хотираси, арвоқлари олдида бош

эгиш учун келган ёшу қарилар, аҳолимиз ва чет эллик меҳмонлар билан гавжум бўлганида кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг аввало бизнинг эътиборимиз марказида турган энг шарафли вазирамиз — урушда қатнашган, бугун сафимизда бўлган, ҳар қадамда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган фахрийларимиз ҳақида алоҳида гаплашиб олишимиз зарур, деб биламан.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши биламиз — биз яшаётган ҳаёт — бу оқар дарё, дейди халқимиз. Яъни, бошқача айтганда, бу дунё ганимат эканини эсимиздан чиқармасдан, бешафқат урушда қатнашган, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, умрини узайтириш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш — бундай эзгу ишлар барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз бўлиши шарт.

Бу аввало раҳбарларнинг, вазирамиз ўтирганларнинг бурчи эканини, улар фахрийлар билан тез-тез учрашиб туриши, иложи борича уларнинг ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топиши, бундай амалий эътиборнинг аҳамиятини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур, деди Юртбошимиз.

Бу борада Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном олган жорий йилда, жумладан, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизда қандай кенг кўламли, катта чора-тадбирлар амалга оширилаётганини халқимиз, аввало хурматли фахрийларимиз яхши биладилар.

**Лекин ҳаёт дегани муаммосиз бўлмайди.** Шу маънода, ёши улуг инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий, маиший шароитларини янада яхшилаш биз учун доимо долзарб вазифа сифатида туриши даркор. **Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир.**

Ҳеч шубҳасиз, Улуғ Ватан урушида барча халқлар билан бирга бўлиб, фашизм балоси устидан қозонган Ҳалабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жанг майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо ғурур ва ифтихор билан эслайди, деди Ислам Каримов.

Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Мана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир «улуғ дохий» учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам», деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай ўз юртини севиш, бетакрор она-Ватанига садоқатли бўлиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат, десам, адашмаган бўламан.

Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича

фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кунини бутун борлигини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Мана шу даҳшатли уруш ҳаёлимиздан ўтар экан, яна бир ҳақиқатни айтмасдан ўтишга ҳақимиз йўқ.

Гап бошимиздан кечирган қонли ва бешафқат уруш бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги, бундай фожиа ва қирғинларнинг олдини олиш ва улардан одамзотни асраш ҳақида кетмоқда.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мустақил бўлсин, барчамиз ўз орзу-ниятимизга етайлик!

Бизга, қолаверса, ер юзидagi барча халқларга ана шундай, бир қарашда жуда оддий, лекин аниқ нарсалар керак!

Аммо, минг афсуски, деб таъкидлади Президентимиз, бунинг ўрнига бугун шиддат билан ўзгариб, тобора кескинлашиб бораётган дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда бунга тескари воқелик, вазият хатарли тус олмоқда ва барчамиздан бепарволикка йўл қўймасдан, доимо оғоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишни замонимизнинг ўзи талаб қилмоқда.

Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, фашизм деган бало яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда.

Бутун инсониятни ташвишга солаётган бундай мураккаб шароитда барча тинчликсевар кучларнинг саъй-ҳаракат ва имкониётларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро институтларнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тобора кескинлашиб бораётган бундай вазиятда, таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг Ўзбекистонимиз олиб бораётган сиёсат халқимизга яхши маълум. Яъни, биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз.

**Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл билан, тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз,** деди давлатимиз раҳбари.

**Биз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисиди бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Биз бугун, ҳақиқатан ҳам, қандай гўзал, бетакрор заминда яшаймиз. Шу маънода, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозирги ҳаётимизни кечаги кунимиз билан солиштирадиган, **қиёслайдиган бўлсак, ўйлайманки, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланмайдиган, буни қадрламайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан.**

Олдимизда турган энг устувор вазифалар ҳақида гапирадиган бўлсак, деди давлатимиз раҳбари, энг муҳими, барчамизнинг бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлган, барча масъулиятимизни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фарзандларимиз — ёшларимиз, янги авлодларимизга раво йўлларни очиб беришга эътиборимизни янада кучайтиришимиз зарур ва уларни ҳар қандай бало-қазолардан асрашимиз керак.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан **«Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинди.**

**Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.**

Бу ниманинг далолати, бу ниманинг исботи?

Бу авваламбор мустақиллик даврида биз эришган улкан марраларни, иқтисодийимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани ва бу ютқларни дунё ҳамжамияти яна бир бор тан олаётганини кўрсатади, деб таъкидлади Президентимиз.

Энг муҳими, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

Буларнинг барчасини Ўзбекистонимиз Оллоҳнинг назари тушган табаррук юрт эканининг, Худонинг ўзи йўлимизни очиб бераётганининг тасдиғи деб биламиз.

Бизнинг тилагимиз, истагимиз шуки, Яратганимиз биздан ўз марҳаматини дариг тутмасин, ёмон кўзлардан ўзи асрасин, эзгу ишларимизда доимо ўзи мададкор бўлсин, деди пировардида Ислам Каримов.

Шу кунги Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

ЎЗА.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Истиқлол йилларида кексаларни эъзозлаш ва қадрлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши юртимизда ёши улуг инсонларга меҳр-мурувват, ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш каби боқий қадриятларимизнинг хайрли тантанаси бўлди.

Президенти миз Ислоҳ Каримов доимо «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қариялар – хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси» деган ҳикматли сўзларда чуқур маъно борлигини, ҳар бир кунимизни маъноли ва сермазмун ўтказишга беқиёс ҳисса қўшаётган нуруний ота-

хону оналарга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини алоҳида таъкидлайдилар.

Умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейте-

нант А. Аҳмедбаев ва ва-зир ўринбосари, полковник А. Мирзаев ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзолари билан учрашди.

Қизиқарли, самимий руҳда ўтган учрашувда Ички ишлар вазири фахрийларнинг ёш ҳолдимларни Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбия-

лашдек шарафли ишларини юқори баҳолаб, келгуси фаолиятларига муваффақият тилади.

ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов вазирилик раҳбариятига кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун самимий

миннатдорлик билдирди. Шунингдек, барча фахрийлар ходимларни тарбиялаш, хизмат интизоми ва қонунийликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратларини аямаслигини таъкидлади.

Халқимизда «Дуо олган омондир» деган нақл бор. Кўп йиллар

юрт тинчлиги ва озоиштишлиги йўлида хизмат қилиб, кексайган чоғида ҳаммиша омонлигимизни, бахтимизни тилаб дуо қиладиган кексалар, файзли фахрийларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг фахримиздир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,  
катта лейтенант.

### Қасамёд

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида сафдорлар таркибининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан марказнинг доимий ва ўзгарувчан шахсий таркиби саф тортиб турибди. Марказ ҳовлиси эса курсантларнинг бу унутилмас қувончига шерик бўлиш мақсадида ташриф буюрган уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари ва дўстлари билан гавжум.



## ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – УЛКАН БАХТ

Тантанали маросимда курсантлар бирин-кетин она-Ватан тинчлигини асрашга, ўз хизмат вазибаларига масъулият билан ёндашишга қасамёд қилишди. Сафдорлар қасамёд қабул қилар экан, уларнинг зиммасига шу муқаддас юрт осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашдек машаққатли, аммо шарафли вазифа юкланганини юракдан сезиб турибди. Чунки бу ёруғ оламда Ватан учун хизмат қилишдан ҳам эзгуроқ иш бўлмас керак.

Марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров сафдорларни тантанали маросим билан қутлар экан, жумладан, шундай деди:

— Ички ишлар органлари учун ҳар томонлама касбий тайёргарликдан ўтган, жиноятчиликка қарши курашда ўз хизмат бурчини виждонан бажарувчи кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан сафдорлар таркибини бошланғич тайёргарлик-

дан ўтказиш жараёнига вазирилик раҳбарияти алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари доимо халқ орасида, улар эътиборида бўлади. Шу боис ходимлардан хизмат кийимини кийиш тартибига амал қилиш, муомала маданиятини яхши ўзлаштириш талаб этилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар курсантларнинг бугунги қасамёдига содиқ қолишига, марказда яратилган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда билим ва кўникмаларини ошириб, хизмат бурчини виждонан бажариб, эл-юрт, ота-оналари ҳамда яқинларининг ишончини қозонишларига умид билдирди. Ўз навбатида, сафдорлар кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, билдирилган юксак ишончни муносиб хизматлари билан оқлашга ваъда беришди.

— Эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини асрашдек эзгу ҳамда шарафли вазифани бажаришни ўзининг муқаддас бурчи деб билган

инсон билан турмуш қурганимдан фахрланаман, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 2-батальон 4-отряд милиционери, сафдор Отабек Жабборовнинг умр йўлдоши Бахтигул Боймуродова. — Фарзандларимнинг ҳам отаси сингари Ватанимизнинг тинчлиги ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб етишиши юксак орзуимдир. Ички ишлар идоралари ходимлари доимо хушёр, сергак ҳолда хизмат вазибаларини виждонан бажарар экан, жаннатмонанд юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораверади.

Шу куни тантанали тадбир қатнашчилари қадамидан ўт чакнаб турган Ватанимиз мана шундай мард ва жасур фарзандлари борлигидан юраклари гурурга тўлиб, осойишталик посбонларининг шарафли хизмати алоҳида эҳтиром билан тилга олинди.

Ш. АБДУШУКУРОВ.

### Тақдимот

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МОНИТОРИНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда БМТ Аҳолишунослик фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини мониторинг қилиш бўйича миллий концепция» номли ўзбек ва рус тилларида чоп этилган китобнинг тақдимот маросими ўтказилди. Тадбирда вазирилик ва идоралар, таълим муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдимот маросимини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов ва БМТ Аҳолишунослик фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Кулесса очди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлашди. Шу мақсадда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, оила институтини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида самарали чоралар кўрилатгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллашганини кузатиш мумкин. Ҳозирда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этади. Юзлаб опа-сингилларимиз Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида фаолият кўрсатишмоқда. Тадбиркорларнинг 35 фоиизи, фермерларнинг 10 фоиизи улар ҳиссасига тўғри келади.

Тадбирда аёлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича миллий механизмнинг изчил ҳуқуқий ва институционал ривожланиши республикамизда 1995 йилдан бошлангани, айнан шу йили

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига қўшилгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий ҳолати, шунингдек, турар жойидан қатъи назар, барча аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Давлатимиз шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилашга комплекс ёндашмоқда.

Тақдимот маросими қатнашчилари ушбу соҳадаги қонунчилик мониторингини ўтказиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш, уни ташкил этиш услубига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини айтишди.

Ўрни келганда шуни қайд этиш лозимки, ушбу нашр Ўзбекистондаги хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчиликни мониторинг қилишни ривожлантириш борасидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ҳамда БМТнинг юқорида тилга олинган конвенцияси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда бу борадаги қонунчиликнинг концептуал асосларини аниқлашга мўлжалланган.

Е. КУЗНЕЦОВА.

### ЎЗБЕКИСТОН ҲАФТА ИЧИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Ивета Григуле билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш,

қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга доир масалалар муҳокама қилинди.

\* \* \*

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди. Табаррук ёшдаги ижодкорларнинг ҳаёти, ижодий фаолиятини янада кенг ўрганиш, навқирон истеъдод соҳибларининг билимини бойитиш мақ-

садида ташкил этилган экспозиция уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда моҳир мусаввир Геннадий Серов ижоди намуналаридан иборат шахсий кўргазма, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг уруш фахрийлари шўбаси аъзолари асарлари ҳамда фотосуратлар ўрин олган.

\* \* \*

Жиззахда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг вилоят ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Унда 300 дан ортиқ ишлаб чиқариш субъекти 645 турдаги маҳсулотлари билан қатнашди.

Ярмаркада иштирокчилар сони ва маҳсулот турининг кўплиги тузилган шартномалар ҳажмида ҳам ўз аксини топди. Ўтган йилги ярмаркада 5 миллиард сўмлик шартнома тузилган бўлса, бу гал ушбу кўрсаткич 10 миллиард 800 миллион сўмдан ошди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

## Эъзоз

## ИЗЗАТ-ИКРОМ БИЛАН

Ички ишлар идораларида самарали хизмат қилган ходимларни тантанали равишда нафақага кузатиш аънамага айланган. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири республика ИИБ вақтинчалик сақлаш хибсхонасида бўлиб ўтди. Унда муассаса раҳбарияти ва шахсий таркиби иштирок этди. Нафақага кузатилаётган бўлинма командирлари, катта сержантлар Камолiddин Саъдуллаев, Ахрор Саидвалиев, милиционер, катта сержант Аҳмадали Курбонов ҳамда милиционер-ҳайдовчи, катта сержант Музаффар Сарбоевнинг хизматдаги фидойилиги эътироф этилди.

ИИБ ВСХ бошлиғи, подполковник Б. Кенжаев уларнинг кўп йиллик самарали хизмати, жонкуярлиги ва топширилган вазифаларни ўз вақтида, сидқидилдан бажариши ҳақида гапирар экан, бу каби сифатлардан ёш

ходимлар ўрнат олиши лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг миллий аънамага кўра, уларга тўн кийгизилиб, гуллар тақдим этилди. Тадбирда сўз олган фахрийлар ҳам бундай эътибордан мамнунлигини билдириб, барча ходимларга эл-юрт осойишталиги йўлида ҳормай-толмай, соғ-саломат хизмат қилишларини тилади.

– Одатда инсон учун энг қадрли бўлган вақт тез ўтгандек туюлар экан, – дейди истеъфодаги катта сержант Ахрор Саидвалиев. – Бундай дейишимнинг боиси хизматга кирган пайтимни кечагидек эслайман. Устозларнинг ўғитларига амал қилиб, соҳа сирларини мукамал ўрганишга интилардим. Мана, бугун ўзим ҳам кўплаб шогирдлар етиштирдим. Ҳурмат-эҳтиром билан нафақага кузатилар эканман, бундан кейин ҳам эл-юрт осойишталиги учун кўмагимни аямайман.

И. ИМОМХҲАЕВ.

## Одам савдоси – олам муаммоси

Бугунги глобаллашув замонида инсоният келажаги учун хавф солувчи турли кўринишдаги хатарлар кўпайиб бормоқда. Диний экстремизм ва терроризм, одам савдоси, «оммавий маданият» каби хуружлар тобора кучайиб, умумбашарий муаммога айланмоқда. Бу аҳолини, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатини шакллантириш борасидаги ишлар кўлами ва самарадорлигини янада кучайтиришни тақозо этади.

## Ўқувчи-ёшлар иштирокида

Тошкент темир йўл транспорт касб-хунар коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Унда республика ИИБ Академияси, Транспортдаги ИИБ, Транспорт прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар ўқувчи-ёшларга турли

глобал муаммолар, хусусан, одам савдоси ва унинг аянчли оқибатлари хусусида аниқ мисоллар ёрдамида сўзлаб беришди. Таъкидландики, ҳозирги пайтда кўплаб инсонлар, айниқса, хотин-қизлар ва болалар одам савдоси домига тушиб қолмоқда. Бу биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқий билим ва маданият даражаси етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади. Шу боис республика-

мизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли амалий ишлар олиб борилапти. Зеро, пухта билим ва дунёқарашга эга бўлган киши ҳар хил хуружларга, ёт иллатларга қарши тура олади.

Тадбирда мамлакатимизда одам савдоси жиноятининг

олдини олиш, унга қарши курашиш, шу билан бирга, мазкур жиноят жабрдийдаларини ижтимоий ҳимоялаш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

Давра суҳбати сўнггида мутахассислар ўқувчи-ёшларни кизиқтирган саволларга аниқ ва батафсил жавоб беришди.

Дилором ЗОКИРОВА, майор.

## Пайҳон

## ҲОСИЛ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Бу йил хоразмлик галлакорлар 33 минг гектар ердан 78 минг тоннадан зиёд сара дон олишни режалаштирган. Шу мақсадда кечаю кундуз меҳнат қилаётган галлакорларимиз олдида ўрим-йигим мавсумини муваффақиятли ўтказиб олишдек синовли дамлар турибди.

Айни пайтда бу жараён билан боғлиқ ташкилий ишлар якунига етказилиб, мавжуд техника воситалари мавсумга шай қилиб кўйилди. Шунингдек, Президентимизнинг «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ҳам қатор тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, яқинда ўтказилган тадбир давомида Кўшкўпир тумани Хайробоқ қишлоғида яшовчи Клара Абдуллаеванинг олти бош қорамоли «Мирзиё Валижон» фермер хўжалигига қарашли бугдой даласини пайҳон қилгани аниқланди. Шу тумандаги Қатон қишлоғида Анварбек Тиллаевнинг тўрт бош қорамоли эса «Ҳайитбой чўпон» фермер хўжалиги даласида ўтлаб юрганлиги маълум бўлди.

Афсуски, бундай ҳолатлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам учраб турибди. Ачинарлиси шуки, айрим фуқароларимиз бунга эътиборсизлик билан қарашмоқда. Акс ҳолда, Шовот тумани Бўйрачи қишлоғида яшовчи Оллаберган Матчоновнинг 14 бош, Отаназар Дўстчоновнинг 7 бош кўйи «Шовот Ислом Шариф» фермер хўжалиги бугдойзорларида бемалол ўтлаб юрганлигини қандай изҳолаш мумкин?

Яна бир мисол: Шовот туманидаги Чўқли қишлоғида Хамдам Қуранбоевнинг 10 бош кўйи «Шароф Рашидов» фермер хўжалиги бугдой даласини пайҳон қилади, лекин буни кўрганлар кўрмаганга олишади. То профилактика инспектори мазкур ҳолат бўйича тегишли қонуний чора кўрмагунча ҳеч ким пайҳоннинг олдини олиш учун ҳаракат қилмайди.

Юқорида келтирилган ҳолатлар юзасидан жавобгар шахсларга нисбатан баённома тузилиб, қонуний чоралар кўрилди.

Фалла — ризк-рўзимиз. Шундай экан, уни етиштиришда жонбозлик кўрсатётган галлакорларнинг заҳматли меҳнати қадрига етайлик, ҳосил тақдирига бефарқ бўлмайлик!

Мирза АБДУЛЛАЕВ, майор.  
Хоразм вилояти.

## Тадбир

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Ички ишлар идоралари ходимларининг самарали хизмат қилишида уларнинг оиласида ҳукм сурадиган муҳим аҳамият касб этади. Андижон вилояти ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармасида бўлиб ўтган семинарнинг бош мавзуси шу ҳақда бўлди.

«Соғлом оила ва соғлом турмуш тарзи» деб номланган ушбу ўқув семинарини ўтказишдан асосий мақсад шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонун бузилишининг олдини олиш, ходимлар билан боғлиқ турли салбий ҳолатларни бартараф этиш, руҳий зўриқишларни ижобий ҳал этиш, ижтимоий муҳитни яхшилашдан иборат бўлди.

Унда сўз олган ИИБ Академиясининг катта ўқитувчиси, подполковник Р. Раҳмонов, вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник М. Холмирзаев, Андижон давлат уни-

верситети психология факультети ўқитувчилари О. Қодирова, О. Мухторов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош диетологи И. Фозилов ва бошқа мутахассислар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва муомала маданияти ҳақида фикр юритди. Шунингдек, тўғри овқатланиш соғлом турмуш тарзининг гарови эканлиги ҳам уқтириб ўтилди.

Семинар давомида ички ишлар идоралари ходимларининг намунали хизмат қилишларида оиладаги муҳитнинг нечоғли аҳамиятли эканлиги илмий хулосалар асосида исботлаб берилди.

Тадбирда ички ишлар ходимларигина эмас, уларнинг оила аъзолари ҳам иштирок этди. Бу осойишталик посбонларининг оилада ва хизматда соғлом турмуш тарзини барпо этишларида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Саминжон ХУСАНЗОДА.

## МАҲОРАТ МАШҚДА СИНАЛАДИ



Одатда олинган назарий билим амалиётда, тўпланган тажриба, орттирилган маҳорат машқда синовдан ўтади. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам жойларда ўтказиладиган амалий-тактик машқлар жараёнида тажриба алмашиш баробарида, ёнғинни бартараф этишда биргаликда тезкор ва аниқ ҳаракат қилиш борасида ўз маҳоратларини намоёйиш этадилар.

Ички ишлар вазирлигининг 2015 йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режасига асосан «Фарғона нефть базаси» унитар корхонасида вилоят ёнғин хавфсизлиги гарнизони куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда ёнғин ўчириш амалий-тактик машқи ўтказилди.

Амалий-тактик машқ жараёнида вилоят ёнғин хавфсизлиги гарнизонининг куйи

тизимдаги ёнғин хавфсизлиги қисмлари шахсий таркиби ҳамда кўнгилли ёнғин ўчириш гуруҳининг жанговар шайлиги амалда синов кўрилди. Ёнғинларни ўчиришда ёнғин ўчириш штабни ташкил қилиш, содир бўлиши мумкин бўлган офатларни бартараф этишда куч ва воситаларни бошқариш салоҳияти имтиҳон қилиниб, корхона кўнгилли ёнғин ўчириш гуруҳи ҳамда

махсус хизматларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларига баҳо берилди. Шу билан бирга, тадбир давомида шахсий таркибнинг ўз олдига қўйилган вазифаларни тўғри ва аниқ бажариши, шунингдек, асосий ва махсус ёнғин ўчириш техникаларининг жанговарлиги текширилди.

Амалий-тактик машқ якуни бўйича ёнғин хавфсизлиги гарнизони шахсий таркиби, «Фарғона нефть базаси» унитар корхонаси маъмурияти ва тезкор хизматлар вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Муҳокамада ИИБ ЁХББ томонидан тайинланган кузатувчилар сўзга чиқиб, машқ ўтказиш жараёнида шахсий таркиб томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар тўғрисида тўхталиб ўтилди. Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймастик, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини янада ошириш ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш тўғрисида раҳбар ходимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Жалолiddин ҲАКИМОВ, майор.  
Сардор  
ОТАМУҲАМЕДОВ, капитан.

Навоий вилояти ИИБга қарашли майор С. Дусбоев раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, жумладан, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби, муддати, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳолига яратган қулайликлари тўғрисида сўз борди.

## САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Давра суҳбатида фуқаролик жамиятини барпо этишда давлатимиз томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган бурч ва мажбуриятлар ҳам эътибордан четда қолмади. Мутахассислар томонидан ходимларга бу борада халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик тизимида белгилаб қўйилган меъёрлар тўғрисида тушунча берилди. Юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларга халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан муносиб баҳо берилаётгани демократик жараёнларнинг эътирофи эканлиги таъкидланди.

Миллий қадриятларимиз, бой тарихий тажрибаимизнинг қонунчиликка сингдирилиши ҳам инсонпарварликнинг олий намунаси сифатида намоён бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Маърузачилар ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фуқаролик жамиятига устувор йўналишларидан бири эканлигига ҳам урғу бердилар. Турли слайд ва кўргазмали куроллар ёрдамида мавзунинг мазмун-моҳияти тўла ёритиб берилди. Тадбир иштирокчилари ўзларини кизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Навоий давлат кончилик институтида эса вилоят ИИБ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, диний ташкилотлар ҳамкорлигида «Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда бугунги кунда дунё мафкуравий полигонларида кечаётган курашлар, жаҳоннинг турли нуқталарида содир этилаётган хунрезликларнинг сабаблари, терроризмга қарши курашга ёшларни руҳан тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маърузачилар ёш авлод онги ва қалбида она-Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини юксалтириш, уларни хушёрликка, огоҳликка даъват этиш муҳим вазифа эканлигини таъкидлашди. Мустақилликни қадрлаш, мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, табиатни асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги айтиб ўтилди. Талабаларга фанларни пухта ўзлаштиришлари, спорт ва фан олимпиадаларида ютуқларни қўлга киритишлари ҳам миллатга хизмат қилишининг юксак намунаси саналиши уқтирилди. Иштирокчиларга мавзуга доир видеоороликлар намоёйиш этилди.

Собиржон СОАТОВ, майор.  
Фаррух ЯКУБОВ, лейтенант.  
Навоий вилояти.

ИИБ таълим муассасаларида

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир ташкил этилди. Маърифат ва сиёсий ўқиш машғулоти сифатида ўтказилган мазкур тадбир ҳар қачонгидан қизиқарли ва мазмунли тарзда ўтди. Машғулотда «Нақшбандия» журнали бош муҳаррири Султонмурод Олимов мавзу юзасидан маъруза қилиб, бу байрамнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, моҳияти, ўтмиши ва бугунги кундаги аҳамиятига тўхталиб ўтди. Утганларни яхши ном билан хотирлаш, кексаларнинг ҳурмати жойига қўйиш, уларни қадрлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг тадбир доирасида исломшунос олим Айдарбек Тулеповнинг «ИШИД фитнаси» номли китоби тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Таъкидлаш лозимки, мазкур китоб халқимизни огоҳликка чақириш йўлида қилинган саъй-ҳаракатларнинг ёрқин меваси

бўлгани билан аҳамиятлидир. Китобда бугунги кунда бутун дунё халқлари тинчлигига раҳна, одамлар қалбларига қўрқув, ғулғула солаётган ёвуз куч – «ИШИД» деб ном олган террорчи ташкилотнинг асл башараси очиб берилган. Муаллиф Куръони карим оятлари, Ҳадиси шарифлар ҳамда

етук уламолар фатволарига таяниб, ИШИДнинг ботил гоёлари, сохта иддаоларига қарши асосли раддиялар берган. Умуман айтганда, китобда ИШИД жиноятчиларининг асл мақсади ислом дини ниқоб қилиб, дунёни ҳароб этишдек разил ва қора ниятларига эришиш экани фош этилган.

Тадбирда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори Ҳайдархон Йўлдошхўжаев, «Мовароуннаҳр» нашриёти ходими Илҳом Маърупов шулар тўғрисида сўз юритиб, мазкур асар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтишди.

**Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,**  
кичик сержант.  
**Шавкат ҚАҲҲОРОВ** олган  
суратлар.

## МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида доимий ва ўзгарувчан шахсий таркиби ўртасида «Мафкуравий ҳаётнинг долзарб масалалари» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирга Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим бошлиғи З. Жўрабоев ҳамда Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти доценти Ш. Жумаев тақлиф этилди.

Учрашувда Ш. Жумаев сўзга чиқиб, ҳозирги кундаги глобал муаммолар, ахборот хуружлари, «оммавий маданият» каби иллатлар ҳақида тўхтади. Шунингдек, бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршиликлар, жумладан, Яқин Шарқда юз бераётган қонли тўқнашувлар тўғрисида батафсил гапириб берди.

Тадбир якунида учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берилди.

**Ж. МИРЗАЕВ,**  
сержант.

Республика ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида «Оила мустақамлигининг психологик асослари» мавзусида ўқув семинар-тренинг ўтказилди.

## ОИЛА МУСТАҚАМЛИГИДА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАР



Мазкур семинар Фарғона давлат университети психология кафедраси ўқитувчилари А. Абдуллаева, М. Ражабов ва Н. Жухонова тақлиф этилди. Маърузачилар марказда таҳсил олаётган тингловчи ҳамда курсантларнинг касбий-руҳий тайёргарлигини ошириш, улардаги оилавий стресс ҳолатларини, шахсларро мулоқотда учрайдиган муаммоларнинг олдини олиш борасида илмий жиҳатдан исботланган

маълумотларга алоҳида тўхталиб ўтишди.

Машғулот давомида иштирокчиларга оила билан боғлиқ бўлган ўйинлар ҳамда ранглар бўйича тестлар тарқатилиб, жавоблари мутахассислар томонидан шарҳлаб берилди.

Семинар-тренинг барчада катта таассурот қолдириб, тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди.

**А. ХУСАНОВ,**  
лейтенант.

## ЯНГИЛИК ВА САМАРА

Қабул жараёнига киритилган ўзгаришлар ички ишлар идоралари учун етук мутахассис кадрлар тайёрлашда пухта замин яратади

Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбий таълим муассасалари ўқув жараёнини ҳам юқори поғонага кўтариб, малакали кадрлар тайёрлашда ўзининг катта самарасини бермоқда. Бунда, аynиқса, таълим муассасаларига номзодларни танлаш тартиби ҳамда қабул қилиш қоидаларининг янада такомиллаштирилиши ниятда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

2014 йилнинг 3 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ҳамда қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ИИБнинг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомни Адлия вазирлигида рўйхатга олиниб, кучга кирди.

Мазкур Низомда тингловчи ва курсантлар контингентини сифатли бутлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар босқичма-босқич танлаш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бу босқичлар ҳарбий-профессионал йўналиш; дастлабки танлаш; ҳарбий-профессионал танлаш ва тест синовларидан иборат.

Ҳарбий-профессионал йўналиш бўйича тадбирлар вазирлик ва идоралар, дастлабки танлаш босқичларининг асосий қисми эса ИИБ, ИИББ ҳамда ИИБлар ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари ИИБ олий ҳарбий таълим муассасаларида июнь ойида, тест синови Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази томонидан 10 июлда ўтказилади. Шу муносабат билан ИИБ тасарруфидаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлгани каби Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам ҳарбий-профессионал танлашни юқори савияда ташкил этиш юзасидан ишлар бошлаб юборилган.

Қайд этилганидек, аввалги йиллардан фарқли равишда бу йил вазирлик олий ҳарбий таълим муассасаларида июнь ойида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари ташкил қилинади. Бу жараёнда тегишли ҳужжатлар, шунингдек, номзодлар психологик жиҳатдан ўрганилиб, тиббий кўрикдан ўтказилади, ёзма иш (диктант) олинади. Қолаверса, номзодларнинг компьютер техникаси ва ахборот технологиялари ва коммуникацияларини эгаллаганлик даражаси аниқлаш ҳамда яқка тартибдаги якуний суҳбат тадбирлари ўтказилади.

Айни пайтда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида қабул комиссияси ҳамда унинг тарки-

бида бир неча кичик комиссия (номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича комиссия, психологик ўрганиш бўйича, ёзма иш ўтказиш бўйича, компьютер техникаси ва ахборот технологиялари ва коммуникацияларини эгаллаганлик даражасини текшириш бўйича кичик комиссиялар) тузилган, уларга тегишли йўналишларда вазифалар юклатилган. Масалан, номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш кичик комиссияси таълим муассасасига тақдим этилган шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини рўйхатга олади ҳамда уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади. Шундан кейин қабул бўйича йиғинга жалб этилган барча номзодлар ўртасида психологик ўрганиш ўтказилади. У номзоднинг психологик хислатлари, индивидуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилиб, психологик топшириқлар бериш орқали олиб борилади. Ёзма иш ёздирини йўли билан номзоднинг орфографик ва пунктуацион саводхонлиги баҳоланса, унинг компьютер техникасини ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини эгаллаганлик даражаси компьютер дастурига киритилган тест саволлари орқали текширилади.

Юқорида белгиланган тадбирларда қандай баҳо олишидан қатъи назар, номзод охириги босқич – яқка тартибдаги якуний суҳбат номзоднинг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кириши сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятларини, дунёқарашини ва бошқа муҳим профессионал хислатларини аниқлаш мақсадида ягона методика ҳамда коллегиял принцип бўйича, аввалги синовлар натижалари асосида ўтказилади.

Якуний суҳбатда ўқишга кирувчи номзод ўртача уч ва ундан юқори балл тўплаган тақдирда тест синовини топшириши учун рухсат берилиши юзасидан якуний хулоса чиқарилади. Тест синовини муваффақиятли топширган абитуриентлар ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга қабул қилинади.

Хулоса шуки, қабул жараёнига киритилган бу ўзгаришлар Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга муносиб номзодларни танлаб олиш, пировардида, нафақат ёнғин хавфсизлиги соҳаси, балки барча ички ишлар идоралари учун етук мутахассис кадрлар тайёрлашда пухта замин яратади.

**Одил ҲАСАНОВ,**  
ИИБ Ёнғин хавфсизлиги  
олий техник мактаби  
ўқув бўлими бошлиғи,  
подполковник.

**Улуғбек ЁҚУБОВ,**  
кафедра бошлиғи,  
подполковник.

**Ички ишлар идоралари олдига қўйилган вазибаларни бажаришда профилактика инспекторлари етакчи роль ўйнашини вақтнинг ўзи кўрсатди. Гап фақат уларнинг кўп сонли эканлигида эмас. Ҳамма гап шундаки, улар жамоат тартибини сақлаб, жиноятчиликка қарши курашувчиларнинг энг олдинги сафида туришади.**

– Избоскан Андижон вилоятидаги аҳоли энг тигиз яшайдиган туманлардан бири, – дейди Избоскан тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Аброрбек Ҳақимов. – Туманимиз 8,9 км узунликда Қирғизистон Республикасининг Жалоллобод вилояти билан чегарадош. Қишлоғу маҳаллаларда одамларнинг тинчлик-осойишталигини профилактика инспекторлари кўрикламоқда.

Куйида тумандаги ана шу соҳа вакилларида бирининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Дилшодбек Охунов Фаргона давлат университетини битиргач, бир неча йил қишлоқ мактабда ўқитувчилик қилди. Аммо бир пайтлар юрагида уйғонган ички ишлар идораси ходими бўлиш истаги унга ҳеч тинчлик бермасди. Ниҳоят, 2002 йилда орзуси амалга

ошди – у Андижон тумани ИИБ сафига қабул қилиниб, ҳудудий профилактика инспектори этиб тайинланди. Орадан бир неча йил ўтиб, анчагина тажриба тўплаган офицерни Избоскан туманига ўтказишди.

Бугунги кунда профилактика катта инспектори, майор Дилшодбек Охунов Майгир қишлоғи аҳли тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун масъул.

– Хизмат ҳудудимда етти мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дея сўз бошлади майор Д. Охунов. – Қишлоқда умумтаълим мактаби, лицей жойлашган. Катта ёшдагиларнинг асосий қисми фермер хўжаликларида ишлайди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Марҳабона Назарова ва Яҳёбек Нажмиддинов билан бирга тез-тез хонадонларни айланиб тураммиз. Шу аснода профи-

## ҚИШЛОҚ ИНСПЕКТОРИ



лактик суҳбатлар ўтказамиз, одамларнинг муаммоларини жойида ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Бунинг имкони бўлмаса, уларни милиция таянч пунктига таклиф этаммиз.

Албатта, ҳаммани ҳам бирдай тартиб-интизомли, қонунни ҳурмат қиладиган деб бўлмайди. Ораларида паспортини ўз вақтида ал-

маштирмаганлар ҳам учраб туради. Айримлари эса янги паспорт олгач, прописка қилишни «унутиб» қўйишади. Баъзан бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам содир этилиб турилади. Шунга ўхшаш айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда, ҳудудда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Юқоридаги сингари ҳуқуқбузарликларга йўл

қўймаслик учун мақсадли профилактик ишлар олиб бориляпти.

– Профилактика катта инспектори, майор Дилшодбек Охунов лавозимга тайинлангач, дарҳол хизмат ҳудудидаги вазият билан яқиндан танишиб чиқди, – дейди туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Алишержон Исмоилов. – Қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини аниқлаштириб олди. У ҳамиша ўз маҳоратини ошириш устида ишлайди. Мунтазам равишда спорт билан шуғулланади. Ўз ишини яхши билгани учун ҳамкасблари ҳам, аҳоли ҳам ҳурмат қилади.

Кўп йиллик фаолияти давомида майор Д. Охунов қатор шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Капитан Илҳомжон Тожибоев, катта лейтенантлар Акбаржон Аҳмедов ва Лутфулло Сулаймонов шулар жумласидандир.

**Борис КЛЕЙМАН.**

Андижон вилояти.

*Суратда: профилактика катта инспектори, майор Дилшодбек Охунов Майгир қишлоғилик оқсоқол Абдусамат Ғаниев билан мулоқот чоғида.*

**Муаллиф олган сурат.**

Кўча-кўйда «Ўз уйингни ўзинг асра!» дея барчамизни огоҳликка даъват этувчи плакат ёки панноларга кўзимиз тушади. Бу бежиз эмас. Чунки юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаб, фуқароларимизнинг хотиржам яшашига ҳисса қўшиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга барҳам беришда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига яқиндан кўмаклашиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Зеро, лоқайдлик ва хотиржамликка берилмасакки хонадонларимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлаверади.

## ҲАМКОРЛИК БОР ЖОЙДА самарадорлик ортади



Чуст тумани «Шўркент» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли хонадонлардан бирига тунда ташриф буюрган номаълум шахс ишдан қайтаётган йўловчининг эътиборини тортади. У ўша шахснинг қадам босиши бежоллигини англаб, дарҳол туман ИИБ навбатчилик қисмига бу ҳақда хабар беради. Ички ишлар идоралари ходимлари етиб келганда шу хонадонда яшаб, аввал оғир жиноят содир этган ва бир қанча вақтдан буён қидирувда юрган Ф. Р. турмуш ўртоғига пичоқ

санчиб ўлдиргач, қайнотасига ҳам тан жароҳати етказиб, қочишга улгурганди.

Йўловчи ўзи шубҳали деб ўйлаган шахснинг изига тушиб янглишмаганди. У қотил яширинган жойни аниқлашга яқиндан ёрдам бергани боис жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

Яна бир мисол: тумандаги «Шоён» қишлоқ фуқаролар йиғинида ўғирланган 15 боғ қорамолни топиб, эгасига қайтариш ҳам тезкор гуруҳ аъзоларига катта қийинчилик тугдирмади. Сабаби, шу

ерда яшовчилардан бири тонг пайтида қишлоқ кўчасидан ўтган юк машинаси ва унинг давлат рақамини эслаб қолганди. Ушбу маълумот ходимларни Наманган шаҳри томон бошлайди. Ички ишлар идоралари ходимлари етиб боришганида ўғирланган моллар сўйиб сотишга тайёрлаш мақсадида қассоблардан бирига топширилаётган экан. Ходимларнинг олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида жониворларнинг барчаси ўша кунинг ўз эгасига қайтарилди, мазкур жино-

ятни содир этган шахслар жавобгарликка тортилди. Мақоламиз аввалида бу икки мисолга тўхталганимизнинг боиси бор. Туман ИИБ ходимлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, фуқаролар хотиржамлигини таъминлаш ҳамда ёш авлоднинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни

бартираф этиш мақсадида жамоат ташкилотлари билан аҳоли ўртасида самарали тартибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамлиги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Туман ИИБда ҳафтанинг ҳар шанба кунини «Навбатчилик қисми кунини» деб эълон қилинган, мана, икки йилдири, қутулган натижани бермоқда. Эътиборнинг барчаси шундаки, шу кунини барча маҳаллалардан оқсоқоллар бошчилиги-

даги фаоллар ички ишлар бўлимига ташриф буюришади. Соҳавий хизматлар ходимлари билан учрашиб, ҳуқуқий маслаҳатлар олишади: жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг юз бериши, улар бартараф этилган ҳудудда осойишталик таъминланиши тушунтирилиб, бу борада кўриб-назорат воситалар, фильмлар намойиш қилинади.

Бу тадбир шунчаки хўжақўрсинга ўтказилиб қолмасдан, маҳаллалар оқсоқоллари, кўчабошилар аҳолига унинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бераётгани мақсадга эришишда бош омил бўляпти. Бу борада ўтган даврдаги кўрсаткичларга эътибор қаратилса, эришилган натижалар янада ойдинлашади. Масалан, туман ИИБ навбатчилик қисми телефон орқали олинган маълумотига кўра, ўтган йили 70 та жиноят «иссиқ изида» фош этилган, 12 та қотиллик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олди олинган. Бундан ташқари, туманга савдо-сотик ишлари баҳонасида келиб, аслида мақсади бошқа бўлган тўққиз нафар фуқаро, оғир жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган тўрт нафар шахс қўлга олиниб, қонун ҳукмига топширилган.

Кўриниб турибдики, ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган мақсадга фуқаролар бекфарқ эмас ва улар ҳар бир воқеа-ҳодисага, одамларнинг хатти-ҳаракатига хушёрлик билан қараб, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг камайишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик қатъий йўлга қўйилгани учун ҳам жорий йилнинг ўтган даврида туман ИИБ навбатчилик қисми катта навбатчи инспектори, майор Музаффар Умирзоқов, навбатчи, сафдор Бобур Обидов сингари ходимларнинг алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидлаш лозим. Улар ўз хизмат вазибаларига масъулият билан ёндашаётгани туфайли бирорта ҳам мурожаат эътибордан четда қолмаяпти.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**

Наманган вилояти.

*Суратда: навбатчилик қисми ходимлари янги хабарни қабул қилиб олмақда.*

**Шавкат ҚАҲҚОРОВ**  
олган сурат.



## Юксам мукофот соҳиблари

## МАСЪУЛИЯТЛИ, АММО ШАРАФЛИ

Ҳар бир инсоннинг тўғри таълим-тарбия олиши, юксам маънавият соҳиб бўлиб камол топишида оиладаги муҳит муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фарзанд тарбиясига эътибор қаратиш қадимдан ота-боболаримизнинг асосий вазифаларидан саналган.

Буни юракдан ҳис этган Тошкент вилоятида яшовчи Султонбой ота ва Мастура ая фарзандлари тарбиясига жиддий ёндашиб, уларни келажакда қайси касбга йўналтириш, она-Ватанимизга муносиб хизмат қилувчи инсонлар бўлиб етиштириш учун қулай шароитлар яратиш ҳақида узоқ суҳбатлашарди. Султонбой ота умумтаълим мактабида бошланғич ҳарбий таълим, Мастура ая эса бошланғич синф ўқитувчиси эди. Бу, табиийки, оиладаги олти фарзанднинг барчаси китобга алоҳида меҳр қўйиб улғайишида мустақам пойдевор вазифасини ўтади.

Мазкур зиёлилар оиласининг бешинчи фарзанди бўлган Ботир отасидан айрилганида бор-йўғи олти ёшда эди. Мастура ая ҳам ота, ҳам она бўлиб фарзандларини вояга етказди.

Уларни ёшлигидан ҳалол меҳнат қилишга ўргатди...

Йиллар шамол каби бир-бирини ортда қолдириб борарди. Мастура ая фарзандларининг камолини кўриб қувонар, уларнинг мактабда олган фахрий ёрлиқлари ёки кўни-қўшилари билан берган тарбияси учун эшитган раҳматлари қалбига далда бўларди. Ботирнинг Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига ўқишга кирганини эшитганида, айниқса, чексиз қувонди. Ботир Исломов ўқишни муваффақиятли тамомлагач, собиқ Ички қўшинлар махсус отрядида взвод командири лавозимида хизмат фаолиятини бошлади. Кейинроқ эса республика ИИБ Қоровул қўшинлари сафида батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, сафарбарлик



хизмати бошлиғи, батальон командири лавозимларида фидойилик билан она-Ватан тинчлиги ва осойишталиги таъминлаш йўлида масъулиятли хизмати давом эттирди. У батальон командири лавозимида хизмат қилган даврда бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик ҳолатлари содир этилмади. Шахсий таркиб ўзига бириктирилган вазифани сикидилдан бажарди. Ходимларнинг жисмоний, жанговар ва касбий тайёргарлиги ортда. Уларнинг маънавиятини юксалтириш борасида

олиб борилган кенг қамровли тадбирлар ижобий самара берди.

Она-Ватан тинчлиги, фуқаролар хотиржамлиги, жамоада соғлом муҳитни қарор топтириш йўлида амалга оширилган бу саъй-ҳаракатлар албатта, Қоровул қўшинлари бош бошқармаси, вазирлик раҳбарияти ҳамда ҳуқуқатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Унга Ватан ҳимоячилари қуни арафасида муҳташам «Туркистон» саройида Юртбошимиз Фармонига биноан «Содик хизматлари учун» медали тантанали равишда топширилди.

— Давлатимизнинг юксам мукофотига сазовор бўлганим зиммамга янада улкан масъулият юклайди, — дейди ИИБ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ботир Исломов. — Бу барча ҳамкасбларимнинг хизматига берилган баҳодир. Қувончли лаҳзаларда онамнинг дуолари ижобат бўлганини, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилишнинг нақадар улғу ва савобли иш эканини яна бир бор юракдан ҳис қилдим. Онам кўзларида секин ёшлар билан қайта-қайта дуо қилар экан, уларнинг ишончини оқлаганимдан кўксим тоғ қадар юксалди. Зеро, мана шундай гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанда туғилгани, унинг равнақи, тинчлигини таъминлаш ва фаровонлигига ҳисса қўшишнинг ўзи ҳам бир бахт.

Чин дилдан қилинган яхши ният амалга ошади. Мастура ая ва Султонмурод отанинг орзулари рўёбга чиқиб уларнинг фарзанди нафақат маҳалла-қўй, балки бутун халқимизнинг севили, мард ва жасур ўғлонлари сафидан

ҳақли равишда ўрин олди.

— Ботир ака нафақат раҳбар, балки яқин дўст, ҳамкасб сифатида ҳам алоҳида ҳурмат-эҳтиромга сазовор инсон, — дейди шогирди, ҳарбий қисм взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, лейтенант Жаҳонгир Тошқобилов. — Унинг ходимларни тўғри тушуниб, оилавий аҳволдан хабардор бўлишга, зарур ҳолларда кўмагини аямасликка ҳаракат қилишини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бундан ташқари, муддатли ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар билан ишлашда нималарга эътибор қаратишимиз кераклиги, камчиликларимизни тўлатиш бўйича ўз насиҳатларини аямайди.

Бугунги кунда юрт тинчлиги йўлида хизмат қилаётган майорлар Элёр Умаров, Маъмур Курганбаев, капитанлар Шерзод Юсупов, Соғлом Узоқов, Ботир Баротов ва Ойбек Ҳамзаев ҳар доим ундан маслаҳат олиб туришади. Мана шундай устози борлигидан фахрланишади.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.  
Шавкат КАҲҲОРОВ  
олган сурат.

## Баракалла, Элёр!

ШУНДАЙ ХОДИМЛАР  
БОР БЎЛСИН!

Ҳаётда жасорат кўрсатиш, ёрдамга муҳтож кишининг жонига оро кириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ахир, ёниб турган олов ичидан жабрланувчини олиб чиқишга, муштумзўрлар орасида қолган кишига ёрдам беришга, чўкаётган одамни қутқариш учун тап тортмасдан сувга сакрашга ҳамма ҳам жазм қилавермайди-да.

Шундай касб эгалари борки, уларнинг ҳар бир кунини жасоратга йўғрилган. Улар ўзларининг мардлиги ва жасурлиги билан кўпчиликнинг олқишига, эл дуосига мушарраф бўлади. Яқинда республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти номига Тошкент вилояти Паркент туманида истикомат қилувчи Юсуповлар хонадонидан миннатдорлик мактуби келди. Мазкур хатда ота-она ўғлини қутқариб қолгани учун ИИБ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальони милиционерни, сафдор Элёр Мирзабековга миннатдорлик изҳор қилиб, мана шундай жасоратли ходимларни тарбиялаётгани учун вазирлик раҳбариятига ташаккур билдиришган.

Сафдор Элёр Мирзабеков Тошкент вилоятининг Паркент туманидан. Жорий йилнинг апрель ойи бошида меҳнат таътилига чиқиб, ўзи туғилиб ўсган кишлоғида эди. Ўша кунини «Хандам» канали ёқасида жойлашган ерда уйдагиларга ёрдам берар, деҳқончилик билан машғул эди. Кутилмаганда...

— Мен турган жойдан 50-60 метрлар узоқликда от боқиб юр-

ган болақайни жонивор арқонига қўшиб тортиб кетаётганини кўриб қолдим, — дейди осойишталик посбони ўша лаҳзани ёдга олиб. — Бола эса арқонини қўйиб юбормай бақирганча унинг ортидан чопиб кетарди. От каналга етиб боргач, бироз вақт сув ичиш учун қулай жой излаб туриб қолди. Кейин ни мадандир хуркиб, бошқа томонга қараб чопди. Шу пайт ҳалиги болақай кўрққанидан каналга тушиб кетди. Ёрдам бериш учун ўша ёққа қараб югурдим. Етиб борганимда у шиддат билан оқаётган сувда оқиб кетарди. Вақтни бой бермай ўзимни шартта сувга отдим. Унга етиб олиб, қирғоққа олиб чиққанимда болақай анча сув ютган, нафас олмаётганга ўхшарди. Шу ондаёқ унга биринчи ёрдам кўрсатиб, сунъий нафас бердим. Кўп ўтмай ўзига кела бошлади. Уни кўтариб уйига олиб бордим. Ота-онаси аввалига боланинг аҳволини кўриб эсанкираб қолди. Вазиятни ётиғи билан тушунтирганимдан кейин улар хурсанд бўлиб, менга миннатдорлик билдиришди. Кўзда ёш билан тинимсиз раҳмат



айтаётган, алқаетган боланинг яқинларини кўриб, одамларга ёрдамим текканидан беҳад мамнун бўлдим.

— Ўғлимиз Бахитжонни соғомон бағримизга қайтаргани учун Элёрдан бир умр миннатдоримиз. Шундай мард, жасур ходимни тарбиялагани учун унинг ота-онасига, раҳбарларига каттадан катта раҳмат, — дейди Б. Юсупов кўзда ёш билан.

Ҳозирда ўша воқеа сабабли икки оила янада яқинлашиб, қадрдонларга айланишди. Энг асосийси, бир фалокатнинг олди олинди, бир оила бошига тушадиган ғам-андуҳ бартараф этилди. Айни дамда тилагимиз битта: жонини хавфга қўйиб бўлса-да, одамларга нафи тегаётган, ўз фуқаролик, инсонийлик бурчини сикидилдан адо этаётган ана шундай фидойи ходимлар сафимизда янада кўпайсин!

М. ФОЗИЛОВ.

## Хайрия концерти

## КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

Ўтганларни хотирлаш, кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш халқимизга хос азалий қадриятлардан бири саналади. Умрибоқий бу қадрият, айниқса, мустақиллик йилларида янада сайқал топиб, ўзгача мазмун ва аҳамият касб этгани қувонарлидир.

«Жасорат, бурч, матонат» шиори остида юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш қуни муносабати билан ИИБ Маданият саройининг Ашула ва рақс ансамбли томонидан жойларда хайрия концертлари ўтказилмоқда. Хоразм вилоятида ўтган ана шундай хайрия концертига уруш ва меҳнат фахрийлари, соҳа ходимлари тақлиф этилиб, ансамбль репертуаридан жой олган энг сара дастурлар намойиш қилинди. Ҳушовоз хонандалар ва сўз усталари вилоятнинг Хонқа, Хива, Шовот, Гурлан ҳамда Янгибозор туманларида бўлиб, ўзларининг жозибадор куй-қўшиқлари, бетакрор рақслари, ичакузди хангомалари билан томошабинларга ҳушқайфият улашишди.

Концерт дастурларидан тушган маблағ хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ходимларнинг оилаларига ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳадя этилди.

Х. ЖАББОРОВ.  
Хоразм вилояти.

\*\*\*

Худди шу каби хайрия концертлари Бухоро вилоятининг Когон, Жондор ва Вобкент туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Мазкур хайрия концертларида уруш қатнашчилари, фахрийларни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга юксам ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдек юксам инсоний фазилатлар яна бир бор намойиш бўлди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган ватанпарварлик, тинчлик ва истиқлол мавзусидаги қўшиқлар, ичакузди хангомалар барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Хайрия концертларидан тушган маблағларнинг асосий қисми хизмат вазифасини ўташ вақтида ҳалок бўлган осойишталик посбонларининг оила аъзоларига, хизмат бурчини бажариш пайтида ногирон бўлиб қолган ходимларга, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат фронти қатнашчиларига ажратилди.

М. ФАНИЕВ.  
Бухоро вилояти.

## Маърифат ва сиёсий ўқиш

Жамият ва давлат тараққиёти кўп жиҳатдан мамлакат фуқароларининг миллий ғурури, ватанпарварлик ҳисси, ўз Ватани ва унинг ўтмиши билан фахрланиши, она юрт тақдирига дахлдорлик туйғулари билан юксаклигига боғлиқ. Зеро, миллий ифтихор – юксак маънавият негизи, баркамоллик рамзи, мамлакат ривожининг асосидир.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёшларда миллий ғурур туйғусини кучайтиришда, уларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда халқимиз ўтмишини, аجدодларимизнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Аини чоғда тарихни ўрганишда ўтмишдаги воқеалар солномасини кўр-кўрона ёдлаш эмас, балки объектив тарихий ҳақиқатни англаш, аждодларимиз фаолиятининг умуминсоний қадриятларга дахлдор жиҳатларини кўпроқ ташвиқ қилиш катта самара беради. Натигада миллий ифтихор туйғуси соф инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб, ҳақиқий маънода ватанпарвар, қалбида ўз юрти билан фахрланиш ҳисси бўлган баркамол инсонни тарбиялашга ёрдам беради. Бу борада эса музейларнинг ўрни беқиёс. Чунки музейларда халқ тарихи, аждодларимиз фаолияти, эришган ютуқлари жонли акс этирилади. Сир эмаски, узундан-узун маърузалардан кўра, аждодларимиз тафаккури ва меҳнатининг маҳсули сифатида вужудга келиб, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий тараққиёти, буюк тарихий шахслар, давлат, маданият арбобларининг ҳаёти, фаолияти ҳақида хабар берувчи ноёб экспонатлар орқали ўсиб келаётган ёшлар онгига, қалбига кўпроқ таъсир кўрсатиш, уларнинг эстетик дидини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш мумкин. Зеро, халқимизда «Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши» деган нақл бежиз айтилмаган.

Бугунги кунда замонавий музейларга фақатгина тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, намойиш қилиш эмас, балки муайян йўналишларда чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, янги инновацион технологиялар ёрдамида замонавий таълим-тарбиянинг самарадорлигини ошириш, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий дунёқарашини, миллий ғурурини юксалтириш каби бир қатор маънавий-маърифий, тарбиявий вазифалар юклатилган.

Шу ўринда музейларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Музейларнинг пайдо бўлиш тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Музей сўзи юнонча «musion» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «музаларга бағишланган жой» деган маънони билдиради. Маълумки, қадимги Юнонистонда ҳар бир соҳанинг ўз илоҳи бўлиб, улар «музалар» деб аталган. Қадимги юнонлар улар шарафига ибодатхоналар қуриб, илоҳларнинг улғувор ҳайкаллари ўрнатган. Замонлар ўтиб, ушбу ҳайкаллар, шунингдек, ибодатхоналардаги бошқа ёдгорликлар моддий бойлик сифатида эмас, балки мемориал гувоҳнома ва эстетик қимматли асл буюмлар

# МУЗЕЙЛАР – ТАРИХИМИЗНИНГ ЖОНЛИ КЎЗГУСИ



сифатида сақлана бошлаган. Критт оролидаги Кносс саройи хазинаси (мил. ав. II минг йиллик), Ниневиядаги сарой кутубхонаси (мил. ав. I аср) ва бошқалар кейинчалик илк музейларга айланган. Дастлаб ибодатхоналар, ҳукмдор саройларида, кейинроқ хусусий тўпламларда кўплаб санъат асарлари жамланган.

Музей тушунчаси дастлаб санъат асарлари ва фанга оид буюмлар (экспонатлар) коллекциясига нисбатан қўлланилган бўлса, XVIII асрга келиб экспонатлар сақланадиган бинони ҳам англата бошлаган.

Европада илмий вазифалар юклатилган музейларнинг пайдо бўлиши XV-XVI асрларга тўғри келади. Буюк географик кашфиётлар, уйғониш давридаги ўзгаришлар инсоният учун янгилик бўлган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси намуналари, минераллар, геодезия ва астрономия асбоблари, этнографик аҳамиятга эга буюмларнинг жамланishiга, табиий, илмий, этнографик, тарихий-бадий ноёб экспонатлар жамланган сарой тўпламларининг (кунсткамералар, мюнцгабинетлар ва бошқалар) вужудга келишига имкон берди. Флоренция (Медичилар саройи), Рим (Ватикан музейи), Дрезден (Август Саксонский) ва бошқа жойлардаги антик давр ёдгорликлари тўпламлари шу даврга мансуб.

XIX асрдан бошлаб музейларда илмий-тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Ўтган аср ўрталаридан эса музейларда педагогик фаолият (болалар, ўсмирлар ва катталар учун махсус лойиҳалар) йўлга қўйилди. Ахборот технологияларининг ривожланиши билан интернет тармоғида ёки махсус дискларда виртуал музейлар вужудга келди. Виртуал музейларда бемалол заллар бўйлаб сайр қилиш, экспонатларни уч ўлчамли шаклда кўриш ва бир неча тилларда экскурсия матнларини эшитиш мумкин.

Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида 1946 йилда Музейлар халқаро кенгаши (ИКОМ) (*International Council of Museums*) ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу ташкилот дунёнинг 115 давлатидаги 27500 дан ортиқ музейларни бирлаштириб, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Ҳар уч йилда ташкилотга аъзо давлатларнинг бирида миллий музейлар қўмиталарининг йиғилиши ўтказилади.

Ўзбекистонда музейлар XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил этила бошлаган. Жумладан, 1876 йилда Туркистон музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи), 1896 йилда Самарқанд халқ музейи (Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи), 1899 йилда Фарғона халқ музейи (Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи) ташкил этилган. Дастлабки вақтларда уларнинг тўпламлари кам, экспозицияларининг кўпи тасоифий материаллардан ташкил топ-

ган эди. Аини шу даврда амалга оширилган археологик экспедициялар натижасида кўплаб ноёб музей коллекциялари топиб, ўрганилди. Ачинарли томони шундаки, мустабид тузум даврида халқимизнинг қадимий тарихига оид минглаб осори атиқалар, ноёб санъат асарлари, бебаҳо қўлёзмалар хорижий мамлакатларга олиб кетилди.

XX асрнинг 20-йилларидан Ўзбекистонда турли соҳадаги музейлар ташкил этила бошланди. Музейлар ва маданият ёдгорликлари давлат ихтиёрига ўтказилди. Илмий экспедициялар уюштирилиб, музейлар учун коллекциялар тўплаш иши йўлга қўйилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кўплаб шаҳарларда олимлар, шоирлар, ёзувчи ва сиёсий арбобларнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳамда улар яшаган тарихий даврни акс эттирувчи мемориал музейлар ташкил этилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳани такомиллаштириш, ёш авлодни она-Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Тарих ва бугунни бир-бирига боғлаб турувчи, ўтмиш сабоқларидан ҳикоя қилувчи музейлар фаолиятини ривожлантириш, уларни ёшларимизнинг сеvimли масканларига айлантириш йўлида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди.

Жаҳон музейшунослигидаги илғор тажрибалар билан танишиб бориш ва бошқа мамлакатлардаги музейлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида 1993 йили Ўзбекистон Республикаси Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ)га аъзо бўлди.

Ўтган йилларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, янги ларини ташкил этиш бўйича Президентимизнинг 20 дан ортиқ Фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилингани мамлакатимизда музейлар фаолиятига катта эътибор қаратилганидан далолат беради.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи музейига Давлат музейи мақоми берилиб, музей экспозицияси миллий истиқлол ғоялари асосида бутунлай янгиланди.

1996 йилда пойтахтимизда бирданига иккита янги музей – Олимпия шон-шухрати ва Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали суръатда очилди. Ушбу тантаналарга ташриф буюрган халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик олимлар эндигина мустақиллиқни қўлга киритган мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига юксак баҳо беришди. Жумладан, Олимпия шон-шухрати музейининг очилишида иштирок этган Халқаро Олимпия қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч ушбу музейга Лозаннадаги Хал-

қаро Олимпия қўмитаси бош қароргоҳида ташкил этилган Олимпия музейидан сўнг жаҳонда иккинчи ўринда туради, дея баҳо берган эди.

Бу борадаги ишларни давом эттириш, тарихий ва маданий бойликларимизни авайлаб-асраш, жаҳонга танитиш мақсадида 1998 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, республика Маданият ишлари вазирлиги қошида музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси таъсис этилди. Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари қаторида музейшуносликда умумий сиёсатни амалга оширишни таъминлаш, музейшунослик соҳасида халқаро алоқаларни, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон ва хорижда кенг кўрага фаолиятни орқали мамлакатнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш; музейшуносликка замонавий техника воситаларини татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш белгиланди.

Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида 1998 йил 5 март куни Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда музейлар фаолиятини яхшилаш, музей ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, музейшунослик бўйича мутахассислар тайёрлашни яхшилаш каби муҳим масалалар қамраб олинди. Жумладан, мамлакат музейларини таъмирлаш, зарур техник воситалар ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда маблағ билан таъминлаш, шунингдек, музей ходимларининг ойлик маошига 25 фоиз устамга ҳақ тўланиши йўлга қўйилди.

«Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан мамлакатдаги мавжуд барча музейлар фондидидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини тузиш, уларнинг сақланиш шароитларини яхшилаш, илмий концепциялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатлардаги музейларда сақланаётган тарихимизга ва маънавий бойлигимизга оид осори атиқаларни, қадимий қўлёзмаларни рўйхатга олиш, уларни халқимизга таништириш, шунингдек, нодир экспонатларни дунёга олиб чиқиш, жаҳон халқларига таништириш соҳасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш каби ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2002 йил 8 ноябрда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори асоси-

да пойтахтимизнинг Бўзсув анҳори ёқасида Шарқ мезморчилик анъаналарига хос услубда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилди. 2008 йилда музей биноси кенгайтирилиб, экспозицияси тубдан янгиланди.

2008 йилнинг 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун 2008 ва 2010 йилларда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари музейлар фаолиятини янада такомиллаштиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 мартдаги қарори асосида Мудофаа вазирлигининг Куролли Кучлар музейи Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар давлат музейига айлантирилиб, қайтадан ташкил этилди. Музей биноси олдидан «Ватанга қасамёд» монументи барпо этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли вазирлик ва идоралар тасарруфида 1200 дан ортиқ музейлар ва яна ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, машур санъат арбобларининг уй музейлари фаолият кўрсатяпти. Шу жумладан, республика бўйича ички ишлар идоралари тасарруфида 30 га яқин музейлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти мустақиллик йилларида барпо этилган. Аини чоғда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ички ишлар вазирлигининг Ички ишлар идоралари тарихи музейи қайтадан ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг 11 июль куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари идоравий бўйсунушидан қатъи назар, болаларнинг республика музейларига, шунингдек, ҳар йилнинг 2-8 сентябрь кунлари «Музейлар ҳафталиги» ўтказилиши ва ушбу ҳафталикда аҳолининг давлат музейларига бепул кириши белгиланди. Бундан кўзланган мақсад аҳоли дам олишини мазмунли ташкил этиш, қолаверса, ўсиб келаётган ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига халқимизнинг бой миллий-маданий мероси, тарихий ўтмишини ҳурмат қилиш, эъзозлашни сингдиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан бораётган бир даврда ўтмиш тажрибаларидан фойдаланиш, ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада музейларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

**Элбек НОРМУМИНОВ,**  
ИИБ Музейи бошлиғи,  
лейтенант.



Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

# МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА...

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мажлислар залида «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари» мавзусидаги йиллик конференция бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирни институт директори Ф. Абдукаримов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А. Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А. Абдувахитовлар олиб боришди.**

Конференцияда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХТ-нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган бошқа халқаро нодавлат ташкилотлар, шунингдек, Хотин-қизлар кўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат палатаси, «Соғлом авлод учун» хайрия фонди, «Нуроний» жамғармаси, Адвокатлар палатаси, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирликлар ва давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, шу жумладан, ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишининг миқдор, сифат бўйича ўзгариши таҳлили ва мониторинги, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат фондлари, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ўтган йилларда эришилган ютуқлар, рақамлар ва аниқ фактлар бўйича Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳисоботи эшитилди. Ушбу институтлар жамиятнинг муҳим бўғини, демократик ва аънавий институт сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши қайд этилди.

Хусусан, мустақиллик йилларида қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги,

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ушбу институтларнинг ривожланиши, уларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгариши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлаётгани таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришга кўмаклашиш, мазкур соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва малакасини ошириш борасида кўшимча чора-тадбирлар белгилангани қайд этилди.

Таҳлиллар ва мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат фондлари, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бугунги кун-

да сон, миқдор ва сифат жиҳатдан ривожланишининг янги босқичига кўтарилди.

Хусусан, республикаимизда 2014 йил якуни бўйича 8190 та нодавлат нотижорат ташкилоти, 200 та жамоат фонди аълия органларида давлат рўйхатидан ўтган бўлса, 389 та жамоат фонди ҳисобга олинган. ННТлар етакчи ва фаоллари Давлат раҳбари ва Ҳукумат қарорлари асосида тузилган ҳамда доимий фаолият кўрсатётган 40 дан ортиқ идораларaro комиссия, кенгаш ва ишчи гуруҳларининг аъзолари саналади. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси – Бош вазир ўринбосари, кўмитанинг худудий бўлинмалари раҳбарлари жойлардаги вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади.



2014 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари учун 2492,56 миллион сўм, жамоат фондлари учун 279 миллион сўм, оммавий ахборот воситалари учун 969,94 миллион сўмлик грант маблағлари ажратилган.

Мамлакатимизда авиация, кимё саноати, алоқа, энергетика, темир йўл ва транспорт, қурилиш, нефть, газ ва геология, металлургия ва машинасозлик, давлат корхоналари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш, агро саноат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда 36,6 мингта касаба уюшмаси ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларга аъзо бўлганлар 6,10 миллион кишини ташкил этмоқда. Биргина 2014 йили «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида меҳнаткашлар ва уларнинг оиласи ижтимоий муҳофазаси учун 206,2 миллиард сўмлик маблағ ажратилган.

Ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг асосий тамойил ва механизмларини амалга ошириш орқали жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2014 йилда касаба уюшмалари томонидан 812 та ташкилотга меҳнат қонунчилиги талабларига оид консультатив хизматлар кўрсатилган. Шу билан бирга, меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш доирасида 5890 дан ортиқ корхо-

на ва ташкилотларда 33,64 минг камчиликлар аниқланган бўлиб, улардан 25,86 мингта бартараф этилган. Касб-ҳунар коллежларининг 485,4 минг нафар битирувчиси касаба уюшмалари кўмагида корхона ва ташкилотларга бириктирилган. 2014 йил мобайнида 113 мингга яқин меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари касаба уюшмалари кўмагида соғлигини тиклаган. Улардан 40 мингдан ортиғи муайян имтиёزلардан фойдаланган. Бу 2011 йилга нисбатан 21 фоиз ортиқ дегани.

Ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш натижасида 2014 йилда 6,4 минг нафар ёш болали аёлларнинг иш вақти қисқартирилган. Икки ёшдан уч ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган 11,2 минг нафар оналарга, 107,7 мингта кам

лион нафарни ташкил этди, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан икки баравар юқори.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Олтин қалам», «Энг улуг, энг азиз» ва «Йилнинг энг фаол журналисти» танловларида 60 нафардан ортиқ журналист тақдирланди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилган «Эътироф», «Жамият ва мен», «Журналистика – ижодий фан», «Инсон ҳуқуқлари – журналист нигоҳида» танловларида 60 дан ортиқ журналистлар мукофотланди.

Президентимизнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун кўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 2012 йилнинг 1 январидан оммавий ахборот воситаларига 5 йил муддатга солиқ имтиёзлари ва преференциялари берилди, натижада биргина 2014 йилда 8,6 млрд. сўм миқдоридagi маблағ тежалди.

Анжуманда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳамда фаоллигини юксалтириш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги иштирокини таъминлаш, юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда давлат ва жамият ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг етуқлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, уларнинг демократлаштириш жараёнларидаги ролини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлаш, жамоатчилик назорати олиб борилишида давлат ҳокимияти органлари ахборот (матбуот) хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг амалга оширилишида давлат идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қошидаги Жамоат комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Баҳс-мунозаралар, таассиротларга бой ва кўтаринки руҳда ўтказилган конференцияда кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Халқаро ташкилотлар вакиллари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифати ва миқдор ўзгаришлари ҳақида илиқ фикр билдиришди. Анжуманда келгусидаги ўзаро ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

**Маҳмуд ОЧИЛОВ,**  
майор.

## КИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Андижон вилояти Булоқбоши тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.

**Саодатхон Музаффаровна СОВВОЛДИЕВА.** 1970 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғини Т. Режапов кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми ва 244-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Жумабой Зайлобидинович ИБРАГИМОВ.** 1970 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Мойариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини Боймаҳалла кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Дониёр Аллаёрович ВАЛИЕВ.** 1973 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Кулла» қишлоқ фуқаролар йиғини Тожик кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси ва 223-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Илхом Абдурашидович БОЗОРОВ.** 1976 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини Катталот кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 3-қисми, 105-моддаси 3-қисми, 159-моддаси 3-қисми, 181-моддаси, 242-моддаси 2-қисми, 244-моддаси ва 247-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Улғубек Тўхтабоевич СОЛИЕВ.** 1966 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғини К. Мавлонов кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 3-қисми, 105-моддаси 3-қисми, 159-моддаси 3-қисми, 181-моддаси, 242-моддаси 2-қисми, 244-моддаси ва 247-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Зумрадхон Иномжоновна НАСРИДДИНОВА.** 1964 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғини Қумгузар кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси, 242-моддаси ва 244-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



**Абдусамат Мухаммадқодирович АЛМАТОВ.** 1984 йилда туғилган. Булоқбоши тумани «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғини Бозорхидирша кўчасида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Андижон вилояти Булоқбоши тумани ИИБга (0-374) 773-20-13 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## Саломатлик сабоқлари

# «КИР ҚЎЛЛАР» КАСАЛЛИГИ

Ёз фаслини барча, айниқса, болалар сабрсизлик билан кутади. Чунки бу пайтда ҳўл мевалар фарқ пишади, дам олиш ҳамда чўмилиш учун тоғли ҳудудларга, очик сув ҳавзаларига борилади. Бироқ фарзандлари, оила аъзолари ва яқинлари саломатлигига бефарқ бўлган айрим кишиларнинг эътиборсизлиги туфайли ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланиш ҳолатлари бирмунча кўпаяди.

Маълумки, республикаимиз Ер шарининг иссиқ минтақаларига мансуб ҳудуд ҳисобланади. Айниқса, ёз ва куз ойларида бизнинг шароитимизда меъда-ичак юқумли касалликлари авж олади. Баъзи ҳолларда ушбу касаллик эпидемия тусига киради. Бунга асосан аҳоли томонидан шахсий ва санитария-гигиена қоидаларига ҳамда тўғри овқатланиш тартибига риоя қилинмаслиги, боз устига, касалликка чалинган беморларнинг ўз вақтида шифокорга мурожаат этмасдан, ўзбошимчалик билан даволаниши сабаб бўлади.

Ўткир юқумли ичак касалликлари кир қўллар, ифлосланган сув, термик ишлов берилмаган ёки тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиялари бузилган тайёр овқат маҳсулотлари, қайнаган сув билан яхшилаб ювилмаган мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотлари истеъмол қилинганда юқиши мумкин.

Касаллик юққанда тана ҳароратининг кўтарилиши, кўнгил айнаши, қусиш, меъда-ичак тизимида оғриқлар юз беради, юрак-қон томир ва асаб тизими зарарланади. Организмда моддалар алмашинуви бузилади, ичакларда калий-натрийли туз баланси бузилиб, беморда ич кетиш авж олиши (айниқса, ёш болаларда) натижасида танада кескин сувсизланиш юз беради. Касалликнинг кечиши бир неча даврни, яъни яширин, бошланғич, авж олиш, касаллик аломатларининг йўқолиб бориши ва соғайишни ўз ичига олади. Бу даврда асаб, юрак-қон томир тизимлари ва меъда-ичак йўллари зарарланади. Бош оғриб ўйку ва иштаҳа бузилади, қорин соҳаси оғрийди, беморнинг дармони қурийди, кўнгил айнайди. Тана ҳарорати 40-41 даражагача кўтарилиши, қорин санчиб, қаттиқ оғриши мумкин. Кекса кишилар ва ёш болаларда ҳаддан зиёд кўп суюқлик йўқотиш натижасида баъзан у ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Афсуски, айрим беморлар уйда ўз билганларича даволанишга ҳаракат қилади. Бу эса аксарият ҳолларда оғир оқибатларга олиб келади. Тўғри ва вақтида даволанмаган бемор соғлом бўлиб кўринса-да, кўпинча юқумли касаллик манбаига айланиб қолади ва атрофдагиларга хавф туғдиради. Айниқса, озиқ-овқат савдоси ходимлари яширин кечиши жуда хавфлидир. Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотишга алоқадор бўлган ходимлар буни англаб етишлари, ичак касалликларининг дастлабки белгилари юзага келиши биланок шифокорга мурожаат

қилишлари шарт. Йўқса, бу ҳолат йирик эпидемияларга асос бўлиши мумкин.

Айтиш жоизки, барча поликлиникаларда юқумли касалликлар хонаси бўлиб, бу ердан малякали ёрдам олиш мумкин. Ўткир юқумли ичак касалликлар



ри зарарланади. Бош оғриб ўйку ва иштаҳа бузилади, қорин соҳаси оғрийди, беморнинг дармони қурийди, кўнгил айнайди. Тана ҳарорати 40-41 даражагача кўтарилиши, қорин санчиб, қаттиқ оғриши мумкин. Кекса кишилар ва ёш болаларда ҳаддан зиёд кўп суюқлик йўқотиш натижасида баъзан у ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Афсуски, айрим беморлар уйда ўз билганларича даволанишга ҳаракат қилади. Бу эса аксарият ҳолларда оғир оқибатларга олиб келади. Тўғри ва вақтида даволанмаган бемор соғлом бўлиб кўринса-да, кўпинча юқумли касаллик манбаига айланиб қолади ва атрофдагиларга хавф туғдиради. Айниқса, озиқ-овқат савдоси ходимлари яширин кечиши жуда хавфлидир. Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотишга алоқадор бўлган ходимлар буни англаб етишлари, ичак касалликларининг дастлабки белгилари юзага келиши биланок шифокорга мурожаат

ри билан оғриган кишилар диспансер кузатуви остида бўлади.

Ичак инфекцияларининг ўтиш йўллари тўсиш учун санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш зарур. Акс ҳолда, бемор нажаси орқали ажралган кўзғатувчилар ташқи муҳитга, яъни тупроққа, кейин эса оқова сувлар билан сабзавот ва полиз маҳсулотлари, ичимлик суви манбаларига ўтиб кетади.

Касаллик озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қоидалари бузилиши натижасида пайдо бўлишини унутмаслик керак.

Қуйидаги кўрсатмаларга оғишмай амал қилган киши юқумли ичак касалликларига чалинмайди:

- овқатланишдан олдин ҳар доим қўлингизни совунлаб ювинг;

- сабзавот ва меваларни истеъмол қилишдан олдин ичимлик сувида 10-15 дақиқа ювинг, сўнгра қайнатиб совутилган тоза сувда чайқаб ташланг;

- ариқдан, очик сув ҳавзаларидан сув ичманг. Фақат қайнатилган сув истеъмол қилинг,

мумкин бўлмаган жойларда чўмилманг;

- тайёрланиш технологияси номаълум бўлган ўрик шарбати, айрон ва гўжа каби салқин ичимликларни истеъмол қилманг;

- қовун-тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотларини харид қилишдан аввал лаборатория томонидан сотиш учун берилган рухсатномани талаб қилинг;

- эскирган ва айниган озиқ-овқат ҳамда полиз маҳсулотларини истеъмол қилманг;

- озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва уларни ташиш ҳамда тарқатилишида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинг;

- нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини полиэтилен халтачалар, усти берк идишларда сақланг;

- идиш-товуқларни совун ва ювувчи воситалар билан, меҳнат жамоаларида кўшимча равишда хлор сақловчи зарарсизлантририш моддалари билан биргаликда ювинг;

- ҳар хил юқумли касалликлар ташувчилари ҳисобланган пашша ва бошқа ҳашаротларнинг кўпайишига йўл қўйманг;

- ҳудудлар, овқатланиш шохобчалари ҳамда умумий фойдаланиш жойларининг тозаллиги, санитария ҳолатини сақлаб туринг;

- хонадон ва ҳовлиларингизни доимо озода тутинг;

- ўзингиз ва болангизнинг тирноқларини ўз вақтида олиб, фарзандларингизга қўлларини доим тоза туттишга ўргатинг;

- ошхона чиқиндиларини ёпиқ ҳолда сақланг, ахлат ташлаш жойларини тез-тез дезинфекция воситалари билан зарарсизлантририб туринг;

- кўнгил айнаиб, қоринда оғриқ пайдо бўлса, ич кетиши кузатилса, тиббиёт ходимларига мурожаат этинг. Шифокор маслаҳатисиз ҳар хил дори-дармонларни ўзбошимчалик билан истеъмол қилманг.

**Р. МУҲИТДИНОВ,**  
Тошкент вилояти ИИБ  
тиббиёт бўлими  
СЭНМ катта эпидемиолог-  
шифокори,  
капитан.

## Кўрик-танлов

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали питомник», «Намунали кичик питомник» ҳамда «Кинология хизмати аълочиси» республика кўрик-танлови соҳа ходимларининг касбий маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати хизмат итлари питомнигида «Намунали питомник» ҳамда «Кинология хизмати аълочиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати ходимлари қатнашди.

Танлов иштирокчилари турникда тортилиш, 100 ва 3000 метр масофаларга югуриш, қўл жанги усуллари, сувда сузиш, ўқ отиш, саф тайёргарлиги ҳамда хизмат итлари билан умумий курс машғулоти бўйича баҳс олиб

# ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ НАТИЖАЛАРИ



боришди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига мувофиқ, «Намунали питомник» номинациясида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони кичик питомниги биринчи ўринга сазовор бўлди. Вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ЙПХ отряди кичик питомниги иккинчи, Боғот ҳамда Хонқа тумани ИИБлари кичик питом-

никлари учинчи ўринни эгаллади.

«Кинология хизмати аълочиси» номинациясида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати хизмат итлари питомниги инструктор-кинолог, сафдор Руслан Эрметов голиб деб топилди. Кейинги ўринлар эса хизмат итлари питомниги ветеринария хизмати бошлиғи, кичик сержант Акмал Матчонов ҳамда бўлинма бошлиғи, кичик сержант Хурсанд Матчоновага насиб этди.

Кўрик-танлов голиблари вилоят ИИБнинг Фаҳрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар энди республика босқичида иштирок этишади.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**  
Хоразм вилояти.  
Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт

# ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

\*\*\*  
Вилоят «Динамо» ЖТСЖ-нинг йиллик тақвимий режасига асосан кўл жанги бўйича

«Бухоро» спорт мажмуасида ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг хотирасига бағишланган мусобақа бўлиб ўтди. Унда 25 та жамоа спортнинг югуриш, арқон тортиш, армрестлинг, тош кўтариш, футбол турлари бўйича беллашди. Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари ҳам 100 метрга югуриш ҳамда шахмат ва шашка бўйича ўзаро баҳс олиб боришди.

Дастлаб 4x100 метрга югуриш эстафетасига старт берилди. Қизғин курашлар остида ўтган беллашувларда вилоят ИИБ жамоаси биринчи ўринни эгаллади. 1000 метрга югуришда эса вилоят МХХБ вакили Жонибек Асадов чаққонлигини намойиш этиб, мусобақа голиби бўлди. Вилоят ИИБ жамоаси ходими, сержант Шавкат Хусаинов иккинчи ва ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли подполковник А. Қулмо-

нов етакчилик қилаётган ҳарбий қисм жамоаси вакили, оддий аскар Зоҳид Очилов учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

**Арқон тортиш** беллашуви ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Унда иштирокчи жамоалар ўзларининг юксак жисмоний тайёргарликларини намойиш этишди. Вилоят ИИБ ЁХБ жамоаси спортчилари биринчи ўринни банд этган бўлса, кейинги ўринлар Жондор тумани ИИБ ҳамда вилоят

МХХБ жамоаларига насиб этди. Армрестлинг мусобақасида эса вилоят ИИБ тергов хибсхонаси ходими, сержант Дилшод Чўлливга тенг келадигани топилмади.

**Миллионлар ўйини** ҳисобланган футбол мусобақаси кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ишқибозлар доимий равишда жамоаларни қўллаб-қувватлаб туришди. Мусобақа якунида эса барча рақиб жамоалардан устун келган вилоят ИИБ жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, мусобақада турли номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

Ёшлар ўртасидаги беллашувлар ҳам қизиқарли ва муросасиз кечди.

Шундай қилиб, якуний натижаларга кўра, умумжамоа



ҳисобида биринчи ўринни вилоят ИИБ жамоаси эгаллади.

**Комил БОБОЕВ,**  
подполковник.  
**Мирзокул АХАДОВ,**  
журналист.

*Суратларда: мусобақалардан лавҳалар.*

**Суратларни капитан Истам ОДИЛОВ олган.**

чемпионат ўтказилди. Мусобақада 60–90 ва ундан юқори вазн тоифаларида иштирокчилар гиламга чиқишди.

Иштирокчи жамоалар ўртасида вилоят МХХБ, ИИБ ҳамда вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси жамоалари аъзоларининг чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Якуний натижаларга кўра, вилоят МХХБ жамоаси барча рақибларидан устун эканлигини намойиш қилиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Вилоят ИИБ аппарати вакиллари иккинчи ўрин насиб этди.

Голиб ва совриндорлар «Динамо» ЖТСЖ кенгашининг диплом, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Бахтиёр РАҲМАТОВ,**  
катта лейтенант.  
*Бухоро вилояти.*



## ▼ Кўл жанги

### НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИГА

Сирдарё вилояти ИИБда ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида кўл жанги бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Республика ИИБ биринчи лигига саралаш учун кечган қизиқарли баҳсларда иштирокчилар саккиз вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Жумладан, 60 кг вазн тоифасида Гулистон шаҳар ИИБ ЭКБ катта эксперти, лейтенант Баҳодир Деҳқонов, 65 кг вазн тоифасида эса Сайхун-обод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси милиционер, сержант Жасур Муртазақулов голиб чиқди. Шу тариқа, 90 ва ундан ортиқ вазн тоифасида рақибларидан ҳар томонлама устун эканлигини амалда намойиш этган саккиз нафар спортчи номи эълон қилинди. Энди улар республика чемпионатида иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ АВБ-СО жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ▼ Мини-футбол

Самарқандда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб мини-футбол бўйича ўтказилган анъанавий турнир ниҳоясига етди. Унда вилоят ИИБнинг турли соҳавий хизматлари вакиллари иборат ўнта жамоа тўрт кун давомида ўзаро баҳслашди. Босқичма-босқич кучлилар саралана борди. Ва ниҳоят финал учрашувида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ҳамда вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси футболчилари ўзаро куч синашди.

### МУСОБАҚА МУРОСАСИЗ КЕЧДИ

Ўйин ниҳоятда шиддатли кечди. Кетма-кет хавфли вазиятлар уюштирилди. Томошабинлар бундан завқ олишди. Якуний натижага кўра вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жамоаси 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Турнир голибига тантанали вазиятда махсус кубок топширилди. Совриндорлар эса турли совринлар ва Фахрий ёрлиқлар соҳиби бўлишди.



**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.**  
Самарқанд вилояти.  
*Суратда: голиб жамоа.*  
**Муаллиф олган сурат.**

## ▼ Футбол

### ШОҲСУПАДА – ЁНҒИН ЎЧИРУВЧИЛАР



Жиззах вилояти «Динамо» ЖТСЖ тасдиқланган режасига асосан ички ишлар идоралари ўртасида футбол бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада вилоятнинг шаҳар ва туман ИИБлари ходимлари таркибидан тузилган 24 та жамоа иштирок этди. Учунчи ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда Жиззах шаҳар ИИБ жамоаси Зарбдор тумани ИИБ жамоаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритди.

Финалда вилоят ИИБ ва вилоят ИИБ ЁХБ жамоалари майдонга тушди. Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси футболчилари мусобақага ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганлини амалда намойиш этишди. Ўйиннинг ҳар иккала қисмида устунлик биланиб турди. Пировардида, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари 1:0 ҳисобида голиб бўлиб, шоҳсупанин юқори поғонасини эгаллашди.

Мусобақа сўнгида голиб жамоаларга вилоят ИИБнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Отабек ХОЛМАТОВ,**  
катта лейтенант.

## Шабриклаймиз!

Тошкент шаҳар ИИББ «Огоҳ» газетаси Бош муҳаррири, майор Самариддин ХАЛИЛОВни таваллуд куни билан самимий қутлаймиз. Ҳамкасбимизга мустақкам соғлиқ, оилавий фаровонлик, хизмат фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, шахсий таркиби ва тахририят жамоаси.

## Тилсимот

## ҚАМОҚХОНАДАН... КАСАЛХОНАГА

Германиялик Петер Краузенинг юк поездларини ҳайдаётганига 15 йилдан ошаётган эди. Бир гал кичикроқ бекатга яқинлашаётиб бўйнига сариқ латта танғиб олган қария рельс бўйлаб кетаётганига кўзи тушди. Краузе уни босиб кетмай деб тормоз ричагини тортиди. Шу пайт чол ғойиб бўлиб қолди. Қизиғи, бу ҳол бир ярим йил давомида такрорланаверди. Бундан ҳам қизиғи, Петернинг ёрдамчиси ҳеч қанақа қарияни кўрмасди.

Бу ҳол такрорланавергач, ҳамкасблари машинистга ғалати қарай бошлашди. Натижада Краузе шифокорга мурожаат этишга мажбур бўлди. Рухшунос уни ҳар томонлама текшириб, мутлақо соғлом деб топди. Шундай бўлса ҳам бошқа йўналишда қатнашни маслаҳат берди.

... Машинист ёрдамчиси ўша машъум кунда юз берган воқеани кейинчалик шундай ҳикоя қилиб беради. Шу кун навбатдаги бекатдан ўтишгач, темир йўл яқинидаги уйдан бир қария гандираклар чиқди. У шпал устидан тўғри тепловозга қараб келаверди. Аммо Петер тезликни пасайтиришни хаёлига ҳам келтирмасди. Ёрдамчиси унга: «По-



бунга ишонмаётгани шундоқ сезилиб турарди.

Шу пайт тепловоз нимагадир урилгандай бўлди. Машинист ёрдамчиси тормоз ричагини тортиди. Поезд тўхтагач, аянчли манзарага гувоҳ бўлишди: темир йўл полотноси бўйлаб одам мурдасининг бўлаклари сочилиб ётарди. Тепловознинг олд қисми эса қипқизил қон эди. Краузе нима қилиб қўйганини англаб, хушидан кетди. Тез орада бўлиб ўтган суд машинистни қасддан қотиллик содир этганликда айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум этди.

Бир пайтлар Петерга бошқа йўналишга ўтишни маслаҳат берган психиатр бундан хабар топиб, ўзини айбдор ҳис этиб, виждон азобида қолди. У идорама-идора югуриб, Краузенинг айбдор эмаслигини исботлаш учун бор билим ва маҳоратини ишга солди. Охири Петернинг иши судда қайта кўриб чиқилди ва у қамқондан озод этилиб, руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирилди.

ездни тўхтатинг!» деб бақирди. «Нима гап?» ундан сўради Краузе. «Бир одам рельс устидан биз томонга келаяпти!» янаям баландроқ овозда бақирди ёрдамчиси. «Қанақа одам?» «Бўйнига сариқ латта танғиб олган қария!» «Э, ҳа, ҳалиги чолми? У аслида йўқ одам-ку. Энди сенинг кўзингга ҳам кўринаяптими?» Петернинг сўзлаш оҳангидан

## Табиат мўъжизалари

## ХОСИЯТСИЗ ВА ХАВФЛИ



Тинч океанидаги Гавай оролларида минг миля (1 миля 1,6 километрга тенг) нарида Пальмира ороли жойлашган. Бир қарашда уни Ер юзидаги жаннатнинг ўзи дейсиз. Ўсимликлар қишин-ёзин барқ уриб ўсиб ётади. Оқ кум билан қопланган кўрфазлари чўмилишга қулай. Хоҳласангиз, рангбаранг маржон рифларини томоша қилинг.

Аммо ушбу тропик оролда одам зотини учратмайсиз. Сабаби, ҳар қадамда сизни ажал пойлаб туради. Кўрфазларда акулалар гала-гала бўлиб, ўлжа излаб изғиб юради. Ўт-ўланлари заҳарли. Уларнинг ораларида ўта заҳарли ҳашаротлар жуда кўп. Ҳатто балиқларини ҳам еб бўлмайди. Хавоси киши руҳиятига ёмон таъсир кўрсатади.

Маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон уруши йилларида америкалик ҳарбийлар ушбу оролдан душманга қарши ҳужумга ўтишда плацдарм сифатида фойдаланишган. Бир неча ой шу ерда яшашларига тўғри келган шўрлик аскарлар учун орол нақ дўзахнинг ўзи бўлиб туюлган. Чунки десантчилар орасида кетма-кет бир неча марта ўз

жонига қасд қилиш ҳолати қайд этилган. Кўплаб аскарлар қочиб кетишга уринган.

## КЎРИНМАС ОРОЛ

Шимолӣ Атлантикада Сейбл ороли бор. У навигация хариталарига туширилган ороллarning энг хавфлиси саналади. Орол қумдан иборат бўлиб, илиқ Гольфстрим ва совуқ Лабрадор оқимлари тўқнашиши натижасида йилига 200-300 метр у ёқ, бу ёққа кўчиб туради.

Оролни кўчма қумлар ҳосиласи деса ҳам бўлади. Унга чиқариб ташланган кема икки-уч ой мобайнида исиз ғойиб бўлади. 1939 йил баҳорида ушбу ҳудудда ўта кучли бўрон эсди. Шунда орол тубидаги саккизта кема қолдиқлари очилиб қолди. Улар орасида Рим империясига қарашли кема ҳам бор эди.

Энг хавфлиси, орол ясси шаклда бўлиб, узоқдан кўзга ташланмайди. Айниқса, тўфон пайтида уни пайқашнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, оролнинг қумини бамисоли хамелеон, яъни буқаламун дейсиз: ҳамиша атрофини ўраб турган океан тусида бўлади.



Хорижий ОАВ материаллари асосида тайёрланди.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Аъзамқул БОТУРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Пискент тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Музаффар Аҳмеджановга падари бузруквори **ХОЛМАТ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



## КЎЙ

Ушбу ҳафтада қаршиликларни енгиб ўтиб, мақсадингиз сари олға интиласиз. Шахсий ҳаётингизда ва иш фаолиятингизда сизни ўзгаришлар кутмоқда. Улардан чўчиманг. Аксинча, янгиланишлар жараёндан имкон қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қилинг. Соғлигингиз бир оз безовта қилиши мумкин. Ҳафта ўрталарида озроқ фойда кўришингиз эҳтимоли бор.



## СИГИР

Молиявий масалалар устида яхшилаб ўйлаб кўришингиз лозим. Маблағларни тежаш ёки маошгача қарз олиш муаммонинг ечими эмас. Бу борада жиддийроқ чоралар кўриш керак. Бунинг устига ҳафта сиз учун қулай келади. Ҳаётингизни мустақил равишда яхши томонга ўзгартира оласиз. Фақат бунинг учун бошқаларнинг маслаҳатига эмас, қалбингизга қулоқ тутишингиз даркор.



## ЭГИЗАКЛАР

Ҳафта турлича ҳиссиётларга бой бўлади. Яқин одамларингиз ёки ҳамкасбларингиз билан баҳслашиб қолишингиз мумкин. Айниқса, ҳафтанинг охирида ишонангизда анча асабийлашишингизга тўғри келади. Ҳаётга янги-ча назар ташланг. Айрим одатларингиздан воз кечинг. Молиявий масалалар билан жиддий шуғуллангиз. Сарф-харажатларингизни қайта кўриб чиқинг.



## КИСКИЧБАҚА

Дастлабки кунлар анча зерикасиз. Шовқин-суронлардан, майда-чуйда ташвишлардан нарироқда бўлишни истайсиз. Ҳафта ўрталарида сиздан қарз сўрашлари мумкин. Имкони бўлса, ёрдамингизни аяманг. Ҳафта охирида сайин фаоллигингиз ошиб боради. Кўпроқ мулоқотда бўлгингиз, ҳаракат қилгингизга келса, Ҳозир унча мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал этишингиз айна пайти.



## АРСЛОН

Душанба кун сизга ҳеч ким эътибор бермайди, давраларда ўзингизни ортиқча ҳис этасиз. Воқеалар ривожига аралашмаганингиз маъқул. Ҳафта ўрталарида ҳамкасбларингиз билан ўртангизда тушунмовчилик юз бериши мумкин. Бу жиддий оқибатларга олиб келмаса-да, кўнглингизни хийла хира қилади. Ҳафта охирида яқинларингизга жазл қилманг.



## ПАЗИЗОД

Ушбу ҳафта, айниқса, оилавий турмушингиз учун хосиятли келади. Ҳафта бошларида ҳаётдан мамнунлик туюласиз. Шахсий ҳаётингиз ва ишонангиздаги айрим чигалликлар ҳафта ўрталарида барҳам топади. Чунки мурося қила олиш қобилиятингиз қўл келади. Ҳафтанинг охирида қариндошларингиз билан мулоқот қилиш учун қулай. Ўтмиш ҳақидаги ёқимли хотиралар ёдингизга тушади.



## ТАРОЗИ

Душанба кун арзимас кўнглисизлик туфайли қаттиқ изтироб чекасиз. Ваҳоланки, бекорга ваҳима қилаяпсиз, кўрқинчли ҳеч қандай воқеа юз бергани йўқ. Ҳафта ўрталарида ҳеч бир қийинчиликсиз моддий аҳволингизни яхшилаб олиш имкониятига эга бўласиз. Асосийси, воқеалар ривожига ҳалал бермасангиз бас. Бошқаларнинг маслаҳатларига, фикр-мулоҳазаларига эътиборли бўлинг.



## ЧАЁН

Ҳафтани сиз учун омадли деб бўлмайди. Дастлаб назарингизда ҳеч ким қадрингизга етмаётгандек туюлади. Натижада кайфиятингиз бузилиб, қўлингиз ишга бормайди. Ўзингиз истамаган ҳолда аҳволни мураккаблаштиришингиз мумкин. Яхшиси, ўзингизни қўлга олинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам мақсад сари дадил интилинг. Хуллас, ҳаммаси ўз қўлингизда.



## ЁЙ

Ушбу ҳафта сиз учун анчайин қийин келади. Бажараётган ишингиз жонингизга тегиб кетганига қарамай, уни давом эттиришингиз керак. Ҳафта ўрталарида юз берган учрашув кайфиятингизни кўтариб, аҳволни анча яхшилади. Масалан, яқин дўстларингиз билан дийдорлашиб, мулоқот қилишингиз мумкин. Ҳафта уй-рўзғор юмушлари учун қулай. Дам олиш кунлари яхшилаб ҳордиқ чиқаринг.



## ТОҒ ЭЧКИСИ

Ҳафта бошларида ўзингизда бошқаларга ақл ўргатишга мойиллик сезасиз. Уларнинг ўзи маслаҳат сўрашса бошқа гап. Аммо бошқалар исташмаса ҳам, ўз фикрингизни зўрлаб, маъқуллатишга интилманг. Барча ишларингиз бароридан келаётгани учун сиздан ўрناق олишга ҳаракат қилишади. Ҳафтанинг иккинчи ярми молиявий масалаларни ҳал этиш учун қулай.



## КОВФА

Куч-қувватингиз етарли. Ҳамма ишга улгура оласиз. Фақат мустақил иш қилишга қийналасиз, ўзингизни йўқотиб қўясиз. Борди-ю кимдир сизга аниқ кўрсатмалар бериб турса, фаолиятингиз ниҳоятда самарали бўлади. Ҳафта охирида вазият изга тушади. Ҳали ҳам куч ва имкониятларингиз етарли. Муҳими, биринчи галда қайси ишларни бажариш лозимлигини тўғри белгилаб олсангиз бас.



## БАЛИК

Аввалига ўз қобилиятингизга ўралиб олишга, зиммангиздан ҳар қандай масъулиятни соқит қилишга уринасиз. Аммо бунинг урдасидан чиқа олмайсиз. Ҳадемай анчадан бундан бажаришни истамай, орқага суриб келаётган ишингиз билан шуғулланишингизга тўғри келади. Ўз вазифаларингиз ва муаммоларингизни бошқаларнинг зиммасига ортманг. Ҳарҳолда, бунинг учун ҳеч ким сизга раҳмат айтмайди.